

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
ББК. 67.400.6

БОЙДАДАЕВ МУҲАММАДШО

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ихтисослик: 12.00.02.- Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви;
маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи

Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2001

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юридик фанлар доктори, профессор
ҲУСАНОВ ОЗОД ТИЛЛАБОЕВИЧ**

Расмий оппонентлар: **Юридик фанлар доктори, профессор
Бобоев Ҳалим Бобоевич**
**Юридик фанлар доктори, профессор
Абдуразақов Суръат Қодирович**
**Сиёсатшунослик фанлар доктори
Жўраев Сайфиддин Ахматович**

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Қонунчиликни мустахкамлаш муаммолари прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази.

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45) қошидаги Д.005.10.01. фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгашнинг 2001 йил «22» 06 кунли соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2001 йил «17» 05 да тарқатилган.

Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби
тарих фанлари доктори, профессор *Ш.Махмудбеков* **Ш.МАХМУДБЕКОВ**

Диссертациянинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ва такомилланишининг ҳуқуқий асослари, ривожланиш қонуниятларини, муаммоларини илмий тадқиқ этиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди, зеро, мамлакатимиз ижтимоий турмуши мунтазам ривожланиб боргани сингари сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт жараёنлари ҳам бениҳоядир ана шулардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг долзарблигини қўйидагилар белгилайди:

Биринчидан, Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз тақдирини ва тараққиётини ўзи белгилаш, миллий давлатчилигини тиклаш ҳамда такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий тизимини шакллантириш имкониятига эга бўлиб жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб, ўз тараққиёт йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормокда. «Мустақилликга эришилгач, халқимиз олдида кескин муаммолар қўндаланг бўлди. Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократик ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас эди.»¹ Бу эса ўз навбатида, мустақилликнинг ўн йиллиги даврида қўлга киритилган ютуқ ва камчиликларни илмий нуқтаи-назардан таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида хулоса, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни амалиёт учун зарур ҳолатга айлантормокда.

Иккинчидан, «Бугун Ўзбекистон халқи улуғ ажодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажагини қурмокда, миллий давлатчиликни тикламокда.»². Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳамда бошқарув тизими шаклланиши ва такомилланишининг ҳуқуқий негизи тарихий тажрибамизда, сиёсий-ҳуқуқий ғояларда мужассамланган. Буларни ворисийлик ҳамда уйғунликда илмий тадқиқ қилиш ва ижобий жиҳатларини ҳаётга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарҳлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 152-б.

² Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. -Т.:Ўзбекистон,1996.Т.2. 92-б.

таълиқ этиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор стратегик йўналишига айланди. «Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Қубро каби улуг аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаяпман.»¹ Демак, мугафаккир аждодлар, давлат арбобларининг ғоялари – тарихий тажрибалари, таълимотларини ўрганиш, ҳозирги замон талаби даражасида киёсий таҳлил ва тадқиқ қилиш миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш учун муҳимдир.

Учинчидан, ислоҳотларни чуқурлаштириш. бошқарув органларини эркинлаштириш жараёнида, тарихийлик, ворисийлик қоидаларига таянган ҳолда, янги замонавий илғор фикрлар, ёндашувлар шаклланимда, эски коммунистик мафкуранинг қолдиқларини аста-секин йўқотиш билан бир вақтда халқимиз менталитетига, анъаналарига ёт бўлган мафкуралар таъсири олдини олиш ҳам илмий, ҳам амалий заруратга айланмоқда. «Агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукумронлик қилади..., ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз ҳолисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади».² Шулардан келиб мустақиллик йилларида бу соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболи. ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, эришилган ютуқларга салбий таъсир этаётган ёт ғояларнинг, мафкураларнинг таъсир кучини, уларнинг орқасида қандай кучлар турганигини илмий жиҳатдан ўрганиш ўта зарур ва стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан. Ўзбекистонда шаклланаётган давлатчилик масалаларини назарий асослари, тамойиллари Республика Президенти томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз катъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.–Т.:Ўзбекистон, 1998. 12-б.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 29-б.

шакллантиришдан иборат».¹ «*Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналиштирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сийёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишидир*».² Ана шу мақсадларни ҳаётга тўғри талбик қилиш жараёни, айрим ғояларни ҳуқуқий норма даражасига айлантириш зарурати илмий жиҳатдан асосланган тақлиф ва тавсияларга эҳтиёж сезмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистонда давлатчилик ва жамият қурилиши ва бошқаруving шаклланиши ҳамда такомиллашуви, ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муаммолари ечимини топишда ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бораётган йўналишлар: **биринчидан жаҳон тажрибаси қийсий умумлашган ҳолда таҳлил ва тадқиқ қилиб ўрганилиб, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маъқуллари амалиётда қўлланилмоқда.**³ «Бу – лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, ўларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш».⁴ **Иккинчидан, тарихий анъаналардан фойдаланган ҳолда ҳозирги замон талаби ва шароитига мос, илмий-назарий таҳлил тадқиқот натижалари, объектив, миллий манфаатга мослаган ҳолда амалиётда қўллаш мақсад қилиб қўйилмоқда ва фойдаланилмоқда.**⁵

«Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сийсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда

¹ **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.:Ўзбекистон, 2000. Т.3. 331-б.

² **Каримов И.А.** Ватан сажлағох каби муқаддасдир. -Т.:Ўзбекистон,1996.Т.3. 177-б.

Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон.Миллий истиклол, иқтисод, сийёсат, мафқура. -Т.:Ўзбекистон, 1996. 364-б. **Каримов И.А.**Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.:Ўзбекистон, 1996. 380-б. **Каримов И.А.** Ватан сажлағох каби муқаддасдир. -Т.:Ўзбекистон, 1996. 366-б. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан. -Т.:Ўзбекистон, 1996.349-б. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. -Т.:Ўзбекистон, 1997. 348-б. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.:Ўзбекистон, 1998. 429-б. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. -Т.:Ўзбекистон, 1999. 410-б. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.:Ўзбекистон, 2000. 528-б.

⁴ **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.:Ўзбекистон, 2000. Т.3. 331-б.

⁵ **Қаранг: Каримов И.А.** Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўз-бекистон, 1998. 12-б. **Каримов И.А.** Тарихий хотирамиз келажақ йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 29-б. **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.2. 92-б. **Бобоев Х.Б.** Амир Темур ва темурийлар салтанати.-Т.:Камалак, 1996. 6.

тадбиқ этиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор стратегик йўналишига айланди. «Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас хисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаяпман.»¹ Демак, мугафаккир аждодлар, давлат арбобларининг ғоялари – тарихий тажрибалари, таълимотларини ўрганиш, ҳозирги замон талаби даражасида қиёсий таҳлил ва тадқиқ қилиш миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш учун муҳимдир.

Учинчидан, ислохотларни чуқурлаштириш. бошқарув органларини эркинлаштириш жараёнида, тарихийлик, ворисийлик қондаларига таянган ҳолда, янги замонавий илғор фикрлар, ёндашувлар шаклланимда, эски коммунистик мафкуранинг қолдиқларини аста-секин йўқотиш билан бир вақтда халқимиз менталитетига, анъаналарига ёт бўлган мафкуралар таъсири олдини олиш ҳам илмий, ҳам амалий заруратга айланмоқда. «Агар ўз ғоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет ғоя келиб ҳукумронлик қилади..., ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз ҳолисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади.»² Шулардан келиб мустақиллик йилларида бу соҳада олиб борилган ислохотларнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва истиқболи, ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, эришилган ютуқларга салбий таъсир этаётган ёт ғояларнинг, мафкураларнинг таъсир кучини, уларнинг орқасида қандай кучлар турганлигини илмий жиҳатдан ўрганиш ўта зарур ва **стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.**

Тўртинчидан, Ўзбекистонда шаклланаётган давлатчилик масалаларини назарий асослари, тамойиллари Республика Президенти томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. «**Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини**

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.–Т.:Ўзбекистон, 1998. 12-б.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 29-б.

шаклантиришдан иборат».¹ «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишидир».² Ана шу мақсадларни ҳаётга тўғри талбиқ қилиш жараёни, айрим ҳолатларни ҳуқуқий норма даражасига айлантириш зарурати илмий жиҳатдан асосланган тақлиф ва тавсияларга эҳтиёж сезмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистонда давлатчилик ва жамият қурилиши ва бошқарувнинг шаклланиши ҳамда такомиллашуви, ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муаммолари ечимини топишда ўзига ҳос ва ўзига мос йўлдан бораётган йўналишлар: **биринчидан жаҳон тажрибаси қийин умумлашган ҳолда таҳлил ва тадқиқ қилиб ўрганилиб, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маъқуллари амалиётда қўлланилмоқда.**³ «Бу – дунда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, ўларга ҳос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш».⁴ Иккинчидан, **тарихий анъаналардан фойдаланган ҳолда ҳозирги замон талаби ва шароитига мос, илмий-назарий таҳлил тадқиқот натижалари, объектив, миллий манфаатга мослаган ҳолда амалиётда қўллаш мақсад қилиб қўйилмоқда ва фойдаланилмоқда.**⁵

«Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда

¹ **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.:Ўзбекистон, 2000. Т.3. 331-б.

² **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.:Ўзбекистон,1996.Т.3. 177-б.

³ **Қаранг: Каримов И.А.** Ўзбекистон.Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 364-б. **Каримов И.А.**Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 380-б. **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 366-б. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан.-Т.:Ўзбекистон, 1996.349-б. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби.-Т.:Ўзбекистон, 1997. 348-б. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1998. 429-б. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз.-Т.:Ўзбекистон, 1999. 410-б. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.- Т.:Ўзбекистон, 2000. 528-б.

⁴ **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. -Т.:Ўзбекистон, 2000. Т.3. 331-б.

⁵ **Қаранг: Каримов И.А.** Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 12-б. **Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 29-б. **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.2. 92-б. **Бобоев Х.Б.** Амир Темур ва темурийлар салтанати.-Т.:Камалак, 1996. б.

боскичма-боскич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат»¹, деб таъкидлаган эди. Мазкур методологик кўрсатма давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини ҳозирги **ислоҳотлар боскичид**а такомиллаштириш эҳтиёжини ўзида акс эттиради ва унинг келажақдаги тараққиётини ўз ичига оладики, келажақда институционал ўзгаришлар кишиларнинг ижтимоий руҳиятида ўрнашиши, ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас бўлагига айланиши лозим. Бу ҳолат ўз навбатида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги эркинлаштиришнинг мақсад ва принципларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий ёндашувни ишлаб чиқишни тақазо этади.

Еттинчидан, мустақил Ўзбекистон давлатчилиги, жумладан, унинг бошқарув тизими муайян ҳуқуқий негизлар таянчида пайдо бўлиш, шаклланиш, ривожланиш ва **такомиллашишнинг тўрт босқичига** ажратиш мумкин. Ўзбекистонда бошқарувнинг Президентлик институтининг ташкил этилганлигидан, Мустақиллик Декларациясининг расман эълон қилинганигача бўлган давр миллий давлатчилигимизнинг **биринчи босқичи** бўлди. Марказий Осиё минтақасида биринчи марта кўшпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилган Президентлик сайлови ҳамда Асосий Қонун қабул қилинган давр миллий давлатчилик тараққиётининг **иккинчи босқичи** бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «**инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш**» бош мақсад қилиб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши тамойиллари Асосий Қонунда конституциявий тамойил сифатида белгиланди, ҳокимият тузилиши, бошқарув тизими, унинг ҳуқуқий-ташқилий механизми тўлиқ шакллантирилди, миллий давлатчилигимизнинг **беш тамойилдан** иборат «**Ўзбек модели**» яратилди, давлатнинг бош ислоҳотчилик мақоми белгиланди.

Кучли давлат, кучли Республика бошқарув шакли, кучли фуқаролик жамиятга ўтиш – мақсад келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ **учинчи босқичнинг** мақсад ва вазифалари бошқарув тизимини ислоҳ этиш, идора қилиш шаклини дунёвий давлат мақоми даражасида оқилона такомиллаштиришни тақозо этди. **Энг муҳим янгилик – бошқарувнинг тармоқ тизимидан вазифавий**

¹ **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. 380-б.

тизимига ўтиш бўлди.¹

Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг «*ривожланиш стратегиясини, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти*»² «Ўзбек модели» тамойиллари диалектикасидан келиб чиқувчи машҳур олти устивор йўналиш – тўртинчи босқичда *концептуал белгилаб берилди.*³

«Биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бутунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат вазифалариБI ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг қўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади»⁴, деб кўрсатган эди И.А.Каримов. Миллий давлатчиликнинг ривожланиш босқичларининг диссертация мавзуси ва концепцияси *долзарблиги* билан боғлиқ бош хусусиятларидан иккитасини қайд этиш лозим бўлади, **биринчиси** – «*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*» миллий сиёсий қурилиш дастурининг ишлаб чиқилиб унинг амалда жорий этилиши. Унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, асосан, яратилди, фуқаролик жамиятини шакллантириш сари ишлар бошланди ва **иккинчиси эса** – давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, И.А.Каримов

¹ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга асосан Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 24-сонли (1997 йил 20 май), қарори. Вазирлар Маҳкамасининг «Видоётлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 301-сонли (1997 йил 17 июнь), «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1997 йил 30 сентябр) қарори.

² **Қаранг:** Каримов И.А. Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. 379-б.

³ **Ўша манба.** 379-383-б.

⁴ **Каримов И.А.** Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. –Т.:Ўзбекистон,1998. 12-б.

таъбири билан айтганда, «**давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш**»,¹ ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига босқичма-босқич ўтказиш борич, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш сиёсати энг асосий стратегик вазифадир.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, босқичлар жараёнларида давлат ва жамият қурилиши ва бошқарув тизими шаклланиши ва такомиллиниш ҳуқуқий асосларини назарий талқиқ этиш, амалёёт самараларини илмий умумлаштириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини махсус ўрганиш орқали тизимни янада такомиллаштириш билан боғлиқ янги ғояларни таклиф этиш тадқиқот мавзусининг **долзарблигини** белгиловчи асосий омиллар ҳисобланади.

Саккизинчидан, диссертация мавзуси **долзарблигини** таъминловчи яна бир жиҳати, Президент Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотидаги – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимини шаклланиши ва такомиллининг ҳуқуқий негизлари масалаларини ўрганиш заруриятидир. Айниқса, И.А.Каримовнинг давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ҳозирги вазифалар, **биринчидан**, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий тамойилига амал қилинишини таъминлаш бўлса, **иккинчидан**, қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органлари бўлмиш вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришмоқ бўлди. **Учинчидан**, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва фақат қонунга бўйсинишини таъминлаш, бунинг учун унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, адвокатура мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш орқали одил судловни амалга ошириш чора-тадбирлари кўриломқда. **Тўртинчидан**, «**давлат қурилиши муаммолари ҳақида гапирар эканмиз,... давлатнинг куч-қудрати бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйиқ ўтказувчи**

¹ **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.:Ўзбекистон, 1999. Т.7. 380-б.

*орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билан белгиланмайди»¹. Ҳозирги шароитда «давлатнинг куч-қудрати, – дейди И.А.Каримов, – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий-ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш,... билан ўлчанади.»² Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилаётгани жараёнини ҳуқуқшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этиш мавзу **долзарблигини** белгиловчи асосий ҳолатдир.*

Кўришиб турибдики, мазкур стратегик аҳамиятга эга масалаларнинг ечими **бир томондан** тизимли тарзда тадқиқот олиб боришни, давлат қурилиш аппаратининг илмий ғояларини муттасил янгилаб боришни талаб этмоқда, **иккинчи томондан** давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мавзусига илмий қизиқишнинг кучлилигига қарамай, кўплаб назарий ва методологик, ҳуқуқий масалалар ечиммай қолаётир, ушбу масалаларнинг баъзиларини ечими айни шу диссертацияга асос қилиб олинди.

Муаммонинг илмий ишланганлик даражаси. Ҳозирги мавжуд расмий ҳужжатлар, илмий адабиётлар, илмий мақолалар, илмий-амалий конференциялар, илмий-амалий семинарлар, публицистик мақолалар, диссертациялар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ҳуқуқшунослик илмида, жумладан, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи фанларида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқарув тизимини шаклланиши ва такомиллашувининг ҳуқуқий асоси муаммолари бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари уч йўналишда эканлигини аниқлаш имконини беради.

Биринчи йўналиш. Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг асарларида, Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларда давлат ва жамият қурилиши ва бошқарув тизими шаклланиши ва ривожининг

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-шароит максимизмиз. - Т.:Ўзбекистон, 2000. Т.8. 334-335-б.

² Уша асарда, 335-б.

*ҳуқуқий асоси муаммолари чуқур назарий асосланмоқда ва амалий умумлаштирилмоқда*¹. Бу йўналишда айниқса Йўлбошчининг *сиёсий-ҳуқуқий таълимотида концептуал ғоялар ва стратегик йўналишлар назарий ўрганилмоқда ва илмий-амалий таҳлил ва тадқиқ қилган ҳолда умумлаштирилмоқда*². Давлат бошлиғининг таълимотида, жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви ҳақидаги *концептуал ғоялар Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиёти йўлининг машҳур беш тамойилида белгилаб берилди*. Бу тамойиллар миллий давлатчилигимиз қурилиши ва бошқарувининг назарий-амалий муаммоларини ечиб бермоқда. **Давлатнинг бош ислохотчилик тамойили** – фикримиз исботи. **Иккинчидан**, Асосий Қонунимиздаги «**инсонларвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш**» конституциявий ғояси, ҳам И.А.Каримов таълимотига мосдир. **Учинчидан**, Президентнинг деярли барча асарларида, нутқларида давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви муаммолари у ёки бу тарзда ўз ифодасини топади.

Ана шу тариха миллий давлатчилигимиз қурилиши ва бошқаруви назарияси муаммолари, амалий ижроси тажрибалари айнан Йўлбошчи сиёсий-ҳуқуқий таълимотида илмий мукамал, концептуал асосли ифодасини топган. Ўз навбатида Йўлбошчи томонидан яратилган ғоялар, фикрлар **иккинчи** ва **учинчи йўналишдаги** илмий тадқиқотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига назарий,

¹ **Қаранг:** Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. 364-б. **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.2. 380-б. **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.3. 366-б. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.3. 349-б. **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. 348-б. **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998. Т.6. 429-б. **Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. 410-б. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. 528-б ва бошқа Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва бош. меъриий-ҳук. ҳуж. фойда. адабиётлар рўйхатида берилган.

² **Қаранг:** Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. 6. **Каримов И.А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.2. 6., **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.3. 6., **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.4. 6., **Каримов И.А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. 6., **Каримов И.А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998. Т.6. 6., **Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7. 6., **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1.6. ва бошқа асарлари.

методологик асос бўлмақда.

Иккинчи йўналиш – монографик ва диссертацион махсус тадқиқотлар, қўлланмалар билан боғлиқ. Улар орасида С.К.Абдуразоқов, А.А.Азизхўжаев, А.А.Аъзамхўжаев, Х.Б.Бобоев, З.М.Исломов, К.Норматов, А.Х.Саидов, С.А.Султанов, Ж.Тошқулов, М.Файзиев, О.Т.Хусанов, З.Ўразасв, У.Ч.Чорияровларнинг илмий ишлари ажралиб турали¹.

Жумладан, А.А.Азизхўжаев, А.Т.Тўлаганов, О.Т.Хусанов илмий ишларида, давлат ҳокимияти олий органлари ва бошқарувни ташкил этиш муаммолари илмий умумлаштирилган бўлса, А.А.Аъзамхўжаев монографиясида давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий шакли такомиллиги, Х.Б.Бобоев, Ш.З.Ўразасв ва Ж.Тошқулов асарларида ўзбек давлатчилиги тарихи, тараққий топиш тадрижий жараёнлари, бошқарув тажрибаси унинг қурилиш ва бошқарув тамойиллари, шакллари, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривож қонуниятлари, аниқ тарихий далиллар, умумлашмалар орқали назарий-амалий асосда тадқиқ этилган². З.М. Исломов тадқиқотларида эса давлат, жамият ва ҳуқуқ назариясининг муҳим жиҳатлари бир бутун илмий яхлитликда умумлаштирилган. Жумладан, давлат шакллари ва вазифалари, типологияси ва типлари, бошқарув шакли, давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми, фуқаролик жамияти ғоялари ва концепциялари назарий йўналишда тадқиқ этилган.³

Шунингдек, мавзу муаммолари у ёки бу тарзда З.Воҳидов, С.А.Жўраев, Р.З.Жумаев, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, К.Холмўминов, Н.Т.Шодиев каби олимларнинг қатор рисоалари, илмий мақола ва ишларида ёритиб берилган⁴. Айни пайтда, давлат назарияси, жумладан, бошқарув тизими, унинг ҳуқуқий асослари махсус дарсликлар ва қўлланмаларда аксини топган⁵.

Учинчи йўналиш – Ўзбекистонда давлат қурилиши ҳамда бошқаруви масалаларига бағишлаб, юртимизда ҳамда хорижий мамлакатларда чоп этилган махсус илмий-назарий тўпламлар,

¹ Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаранг.

² Ўша маъбага қаранг.

³ Ўша маъбага қаранг.

⁴ Ўша маъбага қаранг.

⁵ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Бобоев Х.Б. ва бошқа.-Т.:Адолат, 2000. 6., О.Каримова ва З.Гаффоров. Давлат ва ҳуқуқ асослари.-Т.:Ўқитувчи, 1995. 6.

мақолалар ва илмий-тадқиқот ишлари.¹ Жумладан, ГФР Бавария Бошқарув мактаби ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида чоп этилган асар ва бошқа бир қатор Ўзбекистон Республикаси олимларининг ҳорижда чоп этган асарларини келтириш мумкин.²

Шунингдек, Ўзбекистон давлатчилиги назарияси ва тарихи, Ўзбекистоннинг янги тарихи марказида тайёрланган 3 жилдли «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китоблари ва Фанлар академияси Тарих институти раҳбарлигида тайёрланган «Ўзбекистон тарихи»³ китоби, шубҳасиз, кагта илмий ютуқ бўлди. Китобнинг «Энг янги даврнинг бошланиши: Ўзбекистон мустақил давлат», деб номланган VI қисмида «Миллий давлатчиликнинг тикланиши. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши» банди давлат ҳокимияти асосларига бағишланган бўлиб, унда, жумладан, бошқарувнинг Президентлик институти, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиш тамойллари каби давлат қурилиш ва бошқаруви билан боғлиқ муаммолар илмий ёритиб берилган.

Муаммонинг айрим жиҳатларига бағишланган мақолалар вақтли матбуотда узликсиз чоп этиб турилмоқда. Улар ичида бир қатор етакчи олимларнинг чиқишлари мавзунинг долзарблиги, таҳлилнинг пишиқлиги, хулоса ва ғояларнинг илғорлиги, назарий-амалий умумлашмаларнинг илмий асосланганлиги билан ажралиб туради⁴.

Мавзунинг айрим қирралари махсус илмий-тадқиқот ишларида номзодлик ва докторлик диссертациялари шаклида ўрганиляпти. Улар қаторига Е.Қутибоева, Э.Х.Халилов,

¹ **Қаранг:**Legal Perspectives. The Legal Profession and Human Rights in Uzbekistan. Edited by Katlija Malliet, Erik DeMaeyer.-Belgium, P.3-9.

² **Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий тузилиши.-Т.:Шарк, 1996. б.

³ **Қаранг:**Ўзбекистон тарихи.-Т.:Шарк, 2001. б.

⁴ **Қаранг:**Балтаев А.Р. Законодательная деятельность Олий Мажлиси. //Общественные науки в Узбекистане, 1997. № 12. С. 18-23. Бойдаев М. Давлат бошқаруви ташкилий тузилмаларидаги психотлар ва уларнинг ривожланиш истикболлари//Хаёт ва Кунун, 1999.(10). 48-б. Бойдаев М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув институтининг ҳуқуқий асослари/Истеъдод, №2(2) 1998. 4-б. Файзуллаев Т. Основной Закон Республики Узбекистан. //Общественные науки в Узбекистане, 1997. № 12. С. 3-11.

Ниетуллаев С.Д. тадқиқотларини киритиш мумкин¹.

Шунингдек, мавзуга дахлдор илмий-амалий, назарий масалалар билвосита гарзда бўлса-да, М.Аҳмадшоева, Д.Баҳрамов, Л.В. Мирзаева, Ф.А.Мухитдинова, Х.И.Рузматов, Б.Ю.Срожев, Т.Файзуллаев, Л.Б.Хван каби мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.²

Шундай қилиб, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви тизимининг шаклланиши, ривожини ҳамда такомилли мутахассислар томонидан илмий ўрганилаётганлигини, амалий умумлаштирилаётганлигини, назарий асосланаётганлигини кузатиш мумкин. Бу йўналиш босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Лекин, шунини таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг ўн йиллик тажрибаси ўз навбатида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви тизими ривожланиши ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштириш зарурияти туғилмоқда. Бу эса юқоридаги ҳолатларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни талаб қилади. Айнан диссертация концепцияси ва мавзуси йўналишида эса яхлит олиб борилган ва борилаётган тадқиқотлар йўқ. Мавзунинг баъзи қирраларига дахлдор илмий-амалий, назарий масалалар ўзининг дастлабки босқичидадир. Айниқса Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқаруви тизими шаклланиши ва такомиллашувининг ҳуқуқий асосларининг тарихий илдиэлари, жамиятнинг эркинлаштириш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ривожланиш шакллари, усуллари давлат бошқарув аппаратынинг ривожланиш йўналишлари ва муаммолари монографик ва илмий тадқиқот жиҳатдан махсус ўрганилмаганлиги туфайли диссертация мавзусига, мақсад ва вазифа қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши ва бошқаруви тизими шаклланиши ва такомиллашувининг ҳуқуқий асослари ва жараёнининг илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш асосида давлат бошқаруви тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш асосий мақсад бўлиб, ана шу мақсаддан қўйидаги **вазифалар** келиб чиқади:

– Ўзбекистон давлати қурилиши ва бошқарув тизими

¹ Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қараг.

² Уша мавбага қараг.

шаклланиши ҳамда такомил ҳуқуқий асосларини тарихий шиддатларини қиёсий ўрганиш ва илмий умумлаштириш:

– Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарувини демократлаштириши – тараққиёт омили сифатида ўрганиш;

– демократлаштириш ва эркинлаштириш миллий давлат қурилиши ва бошқаруви шаклланиши, такомил тамойилга, айталиш жараёнини ёритиш;

– Ўзбекистон давлати қурилиши ва бошқаруви институтлари ташкил топиши ва тадрижий такомил қонуниятларининг ўзига хослиги, жараёнининг миллий тикланиш билан боғлиқ мураккаб муаммолари ва мавжуд тажрибани илмий умумлаштириш;

– давлат ва жамият қурилиши, бошқарувини эркинлаштириш жараёниларида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари вазифавий мақомларининг янгича шакли, усуллари, ҳуқуқий асосларини таснифлаш;

– бошқарув ашараги вазифавий вазифалари муаммолари ва улар счими билан боғлиқ йўналишларнинг, ҳуқуқий негизларини очиб бериш;

– бошқарув ташкилий тузилмалари такомил, ислоҳи истиқболларини кўрсатиш;

– давлат бошқаруви, ташкилий тузилмаларининг ҳолати, ислоҳ қилиниши, ривожланиши муаммоларини ёритиш, уларни ҳал этиш истиқболларини кўрсатиш;

– Давлат бошқаруви маҳаллий органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, тармоқ органларининг ўзаро муносабатлари, ҳолати ва истиқболини аниқлаш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими, уларнинг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тақлифлар тавсия этиш ва ҳ.к.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ишнинг объекти – Ўзбекистон давлати қурилиши ва бошқаруви тизимининг яхлит тузилма сифатида шаклланаётгани ва такомиллаштиш жараёнлари қонуниятлари, конституциявий-ҳуқуқий ҳамда назарий-амалий асосларидир. Тадқиқотнинг предмети эса – Ўзбекистон Республикасида давлат қурилиши ва бошқаруви тизими асосий тамойилларининг сиёсий тарихий негизлари, мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий соҳа ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда эркинлаштириш жараёнида

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ташкилий-таркибий вазифавий вазифалари, давлат бошқаруви ашаратининг ривожланиш йўналишлари, тақомили, улар билан боғлиқ жараёнлар.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидаги ечимларда ўз ўрнини топган:

– давлат бошқарув тизими қурилиши асосий тамойилларининг ҳуқуқий асосларининг тарихий илдиэлари қиёсий ўргатиш ва илмий умумлаштирилган;

– давлат бошқаруви тизими тақомиллаштириш билан боғлиқ туб ислохотлар тамойиллари ҳамда методологияси, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий асослар ва ўзгаришларнинг дастлабки босқичлардаги аниқ самаралари таҳлилий ўрганилган, илмий умумлаштирилган;

– давлат бошқаруви асосий вазифалари ва уларнинг ҳуқуқий асослари таҳлили негизда ҳокимиятнинг уч тармоғини, уларнинг мустақиллигини ва бир-бири билан мувозанатини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни ҳисобга олган ҳолда, яхлит бошқарув тизимининг ўзаро алоқадорлиги илмий ёритиб берилган;

– давлат бошқаруви тизимларида қарорлар қабул қилиш жараёнини ахборот – таҳлил билан таъминловчи маълумот олиш, қайта ишлаш ва кейинги қарорларни қабул қилиш босқичлари таҳлили сифатида ушбу жараёнда мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг янгича усул ва воситалари мажмуи қўрсатиб берилган;

– давлат бошқаруви шакл ва усуллари ўзаро алоқадорлиги қонуниятлари таҳлили асосида мазкур тизимни тақомиллаштириш бўйича назарий-услубий тақлифлар ишлаб чиқилган;

– Ўзбекистон шароитига талбиқан давлат бошқаруви фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари қўллаш имкониятлари, шунингдек, давлат бошқаруви тизимлари ташкилий қурилишининг асосий йўналишлари, тамойиллари ва талаблари тегишли ҳуқуқий база йўриғида таҳлил этишган;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида, шунингдек, ҳудудлар иқтисодий ривожланишида соҳа бошқарув органлари ҳамкорлиги ва уларнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммолар таҳлилий умумлаштирилган;

– давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари юз тутиш, вақолатларнинг бир қисмини аста-секинлик билан

босқичма-босқич марказдан жойларга бера бориш ва давлат бошқаруви ваколатларининг муайян қисмини подавлат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёналари, маҳаллий масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти ҳисобланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш илораларни мақомининг ҳуқуқий асослари таҳлилий тадқиқ қилинган ва х.к.

Химояга олиб чиқилаётган асосий илмий ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1. Демократия – умумэтироф этилган категория сифатида баҳоланса ҳам, ҳар бир мамлакатнинг давлат қурилиши ва бошқарувида ўзига хос белгиларга эгадир. Бошқача айтганда, давлатнинг демократик қиёфаси гарчи мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий қурилиши жаҳон тан олган умумий тамойиллар ва метёрлар орқали акс этса-да, миллий-анъанавий негизда шаклланади ва ривожланади. Шубҳасиз, жаҳон маданиятининг бутунги даражаси ва шароитида ушбу ғояларнинг старли даражада қизиқарли ва ўзига хос бўлган қатор тавсияларидан фойдаланишнинг имконияти йўқ, чунки улар ўз характери ва мазмуни жиҳатдан ҳайтга мос тушмайди. Базилари эса эскирганлиги сабабли фойдаланишга яроқсиз. Шундай ҳолатни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, мутафаккирларимизнинг ғоя ва таклифлари органик равишда фсодал давлатга боғланган ҳамда ўз мазмун-моҳиятига кўра мазкур давлатни такомиллаштиришга, ҳокимиятнинг адолатлилигига, ҳокимиятнинг ва ҳукмдорнинг маърифатпарварлигига қаратилган эди. Бироқ, шу нарса аниқки, халқ ўз тасаввур ва умидларида ажодлар қолдирган ҳамда васият қилган меросдан муғлок воз кечмайди ва унга беҳурматлик ҳам қилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ўзининг фуқаролик жамият сари қилаётган ҳаракатининг барча тадбирлари мажмуасида демократиянинг яширин имкониятларидан фойдаланиш учун дадил қадамлар қўйди, давлат қурилиши борасида ўз тарихий анъаналари афзалликларидан фойдаланишда ижобий кўрсаткичларга эришти. Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш борасида ҳам маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўтиш лаврида бутун куч, **бир томондан**, демократик ҳокимият тузилмаларини шакллантириш учун, **иккинчи томондан**, давлат органларини демократияни ҳимоя қилиш борасида тегишли вазифа ҳамда

ваколатлар билан таъминланган борасида қонуний асосни бунёд этишга қаратилади.

3. Давлат бошқаруви – бу ижтимоий бошқарувнинг бир қўриниши бўлиб, жамият деб аталмиш ижтимоий мақоннинг бир хислатидир. Жамият тараққиётининг ютуқ ва муаммолари давлат бошқаруви аппарати билан бевосита боғланган бўлиб, уларни мустақил фаолият кўрсатувчи тузилма сифатида ёрганиб бўлмайди. Давлат бошқаруви миллий тизимининг жамият билан алоқасини, бошқарув моҳиятига нисбатан бўлган ёндашувлар ва тамойилларнинг тарихий изчиллиги орқали ҳам кузатиш мумкин. Давлатимиз тарихи унинг миллий институтларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу ерда тараққиёт манитиғи яширинган, зеро, изчиллик орқали унинг истикболи аниқланилади.

4. Ўзбекистон Республикаси тараққиётини белгиловчи давлат ҳокимияти органларининг вазифавий тизими нисбатан янги ва ўзига хос бошқарув фаолияти тизимини намойиш қилмоқда. Давлат бошқаруви вазифалари амалда бошқарув фаолиятининг усул ва шакллари ёрдамида ҳаётга тадбиқ этилади. Улар, яъни бошқарув фаолияти усул ва шакллари ҳам унинг вазифалари каби жамият тизимини сиёсий-ҳуқуқий эркинлаштириш шароитларида амалга ошириш тамойилларини ўзгартириб боради. Эркинлаштириш давлат бошқарув аппарати учун мутлақо янги вазифаларни вужудга келтирмайди, бироқ у барча вазифаларнинг амалга оширилишида уларнинг нисбий аҳамиятига, ташкилий шаклларига, усул ва воситаларга таъсир этади.

5. Бошқарув органлари вазифаларнинг тизимли тадқиқоти давлат бошқарув аппарати фаолиятининг мазмуни ва мақсадини, мезони ва моҳиятини, қолаверса намоеън бўлиш шаклларини чуқурроқ англаб этишга ва бу борада вазифаларнинг бошқарув фаолиятини тапқил этишда методологик жиҳатдан муҳим қирра сифатдаги ролини баҳолашга имконият яратади; давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар ва улар натижасида рўй берган ўзгаришлар, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ўтиш даврида мамлакат ҳаётий кудратини таъминлашнинг муҳим омили бўлди. Ташкили ҳуқуқий ислохотлар босқичининг асосий вазифаси эса, давлат ҳокимияти органлари ҳаракатининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади; қабул қилинган қонунлар ҳуқуқий нуқтаи назардан бошқарув идораларини илҳамига демократлаштирди. Бунга, уларнинг ишида

ошқоралик ва очқидлик маълум даражада таъминланганлиги, ҳамда уларни самаралироқ амал қилиш томонга ўзгартиришнинг боис эришилди; ислохотларни амалга ошириш борасидаги фаолиятнинг методологик асоси сифатида, маъмурий буйруқбозлик соҳасини қисқартирувчи, бюрократик марказланувнинг олдини олувчи ва бошқарув қарорларида аниқ вазиятларни реал ҳисобга олувчи, ҳамда қарорларнинг илмий ва иқтисодий асосланганлигини таъминловчи ёндашувлар ўз натижасини берди.

6. Бошқарув фаолиятининг шаклий ривожини таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараёни ҳуқуқий тартибга солиш жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бу нарса ҳуқуқий ва маъмурий, шуниндек, расмий ҳужжатлар орқали қарорлар қабул қилиш ва бошқа ҳаракатлар шаклининг аниқлаштирилганлиги, мезъерий ҳужжатларнинг расмий кўриниши, яъни 2000 йил 14 декабрда «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»¹ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг қабул қилиниши, турли тадбирлар сони камайтирилганлиги, бошқарув қарорларини амалга оширишнинг юқори самарадорлигига эришиш ҳамда бу борала масъулият ошишини таъминлайди; бошқарув органларини ислоҳ қилиш марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини амалга оширувчи янги органларнинг пайдо бўлишига ва расмийлашувига ёрдам берди, давлат қурилишини концептуал таъминлаш борасида мавжуд бўшлиқни тўлдирди. Мерос бўлиб ўтган бошқарув тизимларини маълум даражада ривожлантириш имкониятини берди.

7. Республикада ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғи ўртасида ўзаро ҳаракат, ўзаро боғланиш ва ўзаро тақозонини мувофиқлашуви учун энг қулай ҳуқуқий шароитлар юзага келди. Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг мувофиқлаштириш ва назорат юртигиш вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланганлиги, уларга буйсунмайдиган қорхона ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларининг келгусида такомиллашуви учун асос бўлиб хизмат қилади; ижро ва вакиллик ҳокимияти органларининг ўзларига тегишли ҳудудларда халқ хўжалигини ривожлантириш жараёнига изчил жалб қилиб бориш; ислохотларнинг яна ҳам яхшироқ амалга оширилишига, қорхона ва ташкилотларнинг давлат тасарруфидан чиқарилишига, ишбилармонликни ривожлантиришига,

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонуллари. -Т. Алолат, 2000. 23-ч.к. 235-б.

ишлаб чиқаришни ўстириш учун маҳаллий захиратлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга, жойларда халқ ҳокимиятчилигини мустахкамлашга, маъмурий буйруқбозлик ва бюрократизмнинг бошқа камчиликларини бартараф этишга ёрдам беради. Тармоқнинг ривожланиши учун маъсул бўлган вазирлик ва идоралар эса бутун мамлакат ҳудудида бу борда аниқ ва истикболли масалаларни янада чуқур, асосланган ҳолда ҳал қилиш имкониятига эга бўлади.

8. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида жамият ҳаётини демократлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш амалга оширилаётган шароитларида бошқарув аппарати ташкилий қурилмасида эркинлаштиришнинг намоён бўлиши шакллари таҳлили шуни кўрсатадики, бир томондан марказлашув жараёни кузатилаётган бўлса, бошқа томондан асосий ҳудудий тузилма сифатида жойлардаги ижро ва вакиллик ҳокимият органлари фаолият кўрсатади; ваколатларнинг аниқ чегараланиши ва аксарият вазифаларнинг жойларга ўтказилиши нафақат тармоқлар ва Республикага бўйсунувчи корхоналарни қайта ўзгартириш йўналишларининг ривожланишига, балки вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳам ривожланишига, қолаверса ҳар бир ҳудудий субъект эҳтиёжларига жавоб бера оладиган тизим бўлишига ҳамда бошқарувнинг энг зарур бўғинларинигина барпо қилинишига ёрдам беради. Бундай ёндашув, давлат бошқаруви аппарати қурилиши тармоқ ва ҳудудий йўналишларини тўла ва самарали мувофиқлаштириб бориш йўналишига ҳар томонлама жавоб беради. Ушбу икки йўналишнинг давлат ва иқтисодиёт қурилишида, бозор иқтисодиётини тезкорлик билан ривожлантириш жараёнида энг мақбул мувофиқлашувига эришмоққа имкон яратди.

9. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг истикболлари ҳақида гапирар эканмиз, шуни ёдда тутишимиз керакки, уни жонлантириш ва бундан кейинги ривожланиши асослари ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг мураккаб - анъанавий шаклларида ётади. Бу эса, бошқарувнинг ижтимоий асослари мустахкамланиб бориши мобайнида давлат ўз вазифаларининг анчагина қисмини жамоат бирлашмаларига ўтказиб бориши нуқтаи назаридан жуда муҳимдир, лекин, бу - жамоат бирлашмалари давлат ўрнини эгаллаши ва давлат фаолиятини юргизиши дегани эмас. Давлат ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятлари ўзаро бир-бирини тўлдириб ҳамда бойитиб турадилар. Ушбу ҳар иккала томоннинг муҳим ижтимоий муаммоларини ечиш борасидаги ижтимоий ҳамкорлик хусусиятлари

намоён бўлади.

Диссертациянинг назарий ва методологик асослари.

И.А.Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти, ушунч асарларида илгари сурилган қоидалар, кўрсатмалар назарий-услубий моҳият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунлар ва қонунлар ҳамда улар асосида қабул қилинган метёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, илмий талқикот олиб боришнинг турли услублари қўлланилди. Жумладан, тарихийлик, ҳуқуқий таққослаш. Услублар қўйилган мақсад ва вазифани, муаммоларнинг ечимига қараб қўлланилди. Шунингдек, илмий билиш қоидалари, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи, мугафаккирларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари, қарашлари, ҳуқуқшунослар, давлатшунос, тарихчи, сиёсатшунос, файласуф ва мутахассисларнинг ғоялари, илмий умумлашмалари, муайян давлат қурилиши тамойиллари, бошқарув санъати усул-шакллари, тажрибаларига бағишланган илмий ёндашишлар талқикотнинг методологик ва назарий асосини ташкил этган.

Замонавий дунёвий давлатчилик тажрибаси, шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳозирги замон илмий-амалий даражаси, демократик тамойилларга асосланган концепциялар, ғоя-қарашлар, талқин ва ёндашувлар, мустақил давлатлар пайдо бўлиши ва камолоти билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий тажрибалар, миллий давлатчиликнинг назарий-амалий андозалари, конституциявий асоси, тизимлари ҳамда йўли ва сабоқлари ҳам диссертация учун назарий-услубий қиймат касб этди.

Талқикотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Давлатчилик ва бошқарувни шакллантириш, такомиллаштириш узок давом этадиган жараён. Ўзбекистонда бу жараённинг назарий асоси И.А.Каримов томонидан илгари сурилган қоидаларга таянади. Ана шу қоидаларни ҳаётга тўлиқ талқикот этишда, диссертациядаги хулоса, тақлиф, тавсиялар илмий-амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини эркинлаштириш сиёсати талаблари негизда янада такомиллаштириш; ушбу жараёнларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини қонуний мустақамлаш; конституциявий макон мақомини ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ, мукамал таъминлашга хизмат қиладиган янги ғоялардан иборат таҳлилий-назарий умумлашмадаги илмий-амалий мушоҳадалар, берилган таҳлилий фикр, ғоялар, хулоса, умумлашмалардан давлат қурилиши

ва бошқарувининг ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Диссертация концепцияси ва хулосалари ушбу соҳани такомиллаштириш билан боғлиқ қонунчилик асосларини янада мустаҳкамланга, адолатли фуқаролик жамияти сари юз тутган демократик ҳуқуқий давлатнинг қурилиш ҳамда бошқарув тизимини таркибий ислоҳ этишда, бевосита фойдаланиш мумкин.

Диссертациядаги ҳолатлардан давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курсларида фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, мавзу мазмуни, ғоялари, хулосалари ва тавсиялари илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда керак бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги.

Диссертацияда илгари сурилган, ғоя ва хулосалар, таркиби, илмий умумлашмалар, тавсия ва таклифлар, муаллифнинг: 1.) Политико - правове основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан» китобида (Т.: Адолат, 1996. 10 б.т.), 2.) Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари китобида (Т.: Академия. 1999. 11,3 б.т.), шунингдек, илмий тўпламлар ва журнал-газеталарда чоп этилган йигирмадан ортиқ мақолаларда аксини топган. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Давлат қурилиши ва ҳуқуқи» кафедраси ва ихтисослашган илмий кенгашида, Фарғона давлат университетида, Тошкент давлат юридик институтида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида илмий семинарларда муҳокама қилинган. Шунингдек, турли илмий-назарий анжуманларда тадқиқот натижалари синовдан ўтган.

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот кириш, уч бобда бирлашган тўққиз банд, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг асосий мазмуни:

Диссертациянинг биринчи бобида - Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва

бошқарув тизимининг асосий тамойиларининг тарихий – негизлари, илмий, назарий-амалий ўрганилган.

Ушбу бобнинг – биринчи бандида, миллий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув концепциясида мутафаккир аждодлар сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг роли ва ўрни, таҳлил ва талқин этилади.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов сиёсий-ҳуқуқий таълимотида давлат қурилиши ва бошқарувининг асосий тамойили ҳисобланган **«демократик жараёнлар, халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи кераклиги»**¹ таъкидланади. Ушбу қоида Ўзбекистон давлатининг демократик қиёфаси миллий-анъанавий негизда шаклланиши ҳамда такомил топиши устивор қонуният эканлигини исботлайди.

Диссертацияда Фаробий, Кошифий, Жомий, Навоий, Девоний ва бошқа мутафаккирлар қарашларида давлат фаолиятидаги қонун устиворлиги ғояси, ҳукмдорларнинг қонунарига муносабати масаласи илгари сурилгани таҳлил этилади ва умумлаштирилади. Жумладан, Амир Темурунинг марказлашган давлат ҳақидаги ғоялари ўз моҳияти ва ҳуқуқий қамровига қўра бошқа концепция ва қарашларидан фарқ қилади. «Тузуқлар»да энг салмоқли ҳисобланмиш **«давлат бошқарувининг 12 асосий тамойили, фуқароларининг 12 табақаси, давлатнинг асосий таянчи халқ эканлиги»**² тўғрисидаги қонданинг баёни ҳақидаги масалалар ажратиб кўрсатилган. **Муайян авторитар қарашлар ва панд-ўғитлардан ташқари бу ерда бошқарувга нисбатан демократик ёндашувлар унсурлари ҳам сезилиб турибди**³. Мазкур қайдларнинг ўзиёқ, Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида миллий давлатчилик ғояси узоқ даврлар мобайнида шаклланиб, ривожланиб борганигидан гувоҳлик бериши асосланган. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви тизимининг шаклланиши ҳамда ривожланиши модели, аниқроғи, дунёвий давлатчилик тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос андозасига эътибор қаратилган. **«Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш**

¹ Каримов И.А. Ватап саждагоҳ каби муқаддасдир.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 9-б.

² Темуру Тузуқлари.-Т.: Чўлпон, 1992. 16-19 б.

³ Уша маъба.

Республиканинг кагъий позициясидир»¹. деган кўрсатма, гоёсига, шуниплёк, Ўзбекистон давлатининг қурилиши, бошқарув тизимининг шаклланиши ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларида уч минг йиллик ўтмиш давлатчилик тарихий тажрибаси ҳамда анъаналарининг қонуний муҳри, қонуний таъсири борлиги назкур банднинг бош назарий-амалий ҳулосасига айланган.

Бобнинг, ўтиш даврида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарувини демократлаштириш – тараққиёт омилли, деб номланган иккинчи бандида, демократлаштиришнинг моҳияти, йўналиши Ўзбекистон миллий давлат қурилиши ва бошқаруви тизимлари мисолида илмий-амалий умумлаштирилади.

Диссертацияда жамиятнинг эркинлик, ўз иродасини ифода қилиш, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги, давлат ва жамиятни бошқаришда тенг иштирок этиши каби бошқа демократик тамойиллари халқимизнинг тарихий менталитетига тўла мос келиши, тоталитаризмдан демократияга ўтиш жараёни анчайин мураккаб кечиши, Республикада демократик асосларнинг шаклланиши кескин хис-туйғу, тебранишларсиз ва жамоатчиликни ларзага солувчи намоёнларсиз, жиддий тўқнашув ва ўта хавфли қарама-қаршиликларсиз ўтганлигини, бунинг асосий сабаби давлатнинг бошқарув қалитини ўз қўлига қатъий олганлиги, яъни «**Давлат – бош ислоҳотчи**» тамойили бўлганлиги назарий асосланган.

Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнларининг тинч кечаётгани, қонун устуворлиги тамойилига асосланади. Бу ҳокимият тузилмалари тизимини танлаш ва ташкил қилишда, жумладан, ҳокимлик институтининг, ўзини ўзи бошқариш даражасида эса **фуқаролар йиғини** институтларининг қайга тикланишида, ҳам аксини топганлиги. Улар ўзида давлат ҳокимиятининг бутун кучини мужассамланган ва ўз фаолиятларида сиёсий ҳамда мафқуравий ҳолатдан, партиявий тарафқашлик ва содиқликдан ҳоли ҳамда мустақилдирлар. Бошқача айтганда, бир тизимнинг бошқа бир тизим билан алмашилиши рўй бераётган шароитда кучли ҳокимиятнинг юзага келиши, маълум даражада, демократиянинг айнан ўзини химоя қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқади, шунингдек, ўтиш даврида кучли давлат тизимининг мақбул эканлигини асосланган. **Биринчидан,** кучли

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992. 9-бет.

ҳокимият ва нуфуз давлатга ўз ислохотчилик вазифаларини амалга оширишга, миллий тикланиш, жараёшлари устидан назорат юритиш имконини бери. **Иккинчидан**, кучли ҳокимият кескин сақраншларга йўл қўймасдан, ривожланишнинг тадрижий, босқичма-босқич кечишини марказлаштирилган тартибда бошқаришни таъминлади. **Учинчидан**, ҳудудда ижтимоий интизом ва тартибни, фуқаролараро тотувлик, миллатлараро келишувни таъминланг имкониятларини берди. **Тўртинчидан**, кучли ҳокимият, жамиятга сиёсий беқарорлик ва ижтимоий тангликни келтириб чиқарадиган қарама-қаршилик, гуруҳбозлик ва бошқа тузилмалар билан бўладиган қуранда инончли қудрат касб этди. **Бешинчидан**, инсоннинг конституциявий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, шунингдек, жамиятнинг ўта бой ва ўта қамбағал қатламларга кескин ажралиши жараёнининг олдини олишда қафолат бўлди. **Олтинчидан**, кучли ҳокимият маданий-маънавий маконни, шунингдек, касбий-маърифий ва тиббий-соғломлаштириш мажмуаларини ривожлантиришга қодир бўлди.

Демократия ва ҳокимият, давлат бошқаруви ўзаро муносабатлари муаммолари мажмуасини таҳлил қилиш жараёнида тадқиқотчи демократия кучли ҳокимиятга таянмасдан яшай олмаслиги, айти пайтда кучли давлат институтлари мавжудлиги демократия қафолати эмаслигини, давлат авторитарлиги шароитида улар демократик тузум ва жамиятга таъйик ўтказиши, оқибатда турли бузилишларга олиб келиши табиийлиги давлат бошқаруви кучсизлиги ҳолис равишда мавжуд демократик тизимни самарасиз, кучсиз қилиб қўйиши муқарраллигини таъкидлайди. Зотан, демократия шароитида кучли ҳокимиятнинг ижобий хусусият ва сифатлари, энг аввало давлат ҳокимияти ва бошқаруви апаратининг ҳаракатчанлиги ва фаоллиги орқали намоён бўлиши диссертацияда таҳлил қилинган.

Диссертацияда асосий эътибор давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи тузулмавий-ташкилий ислохотларга қаратилади. Жумладан, иктисодиёт ривожини давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши давлат солиқ ва молия муассасаларини ташкил қилиш, тегишли ҳокимият, ижро ва фармойиш вазифалари ҳамда ваколатларига эга экологик хизмат идораларининг ташкил этиш эҳтиёжини юзага келтирган эди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик туб ислохотларни янада чуқурлаштириш

кенг халқ оmmasига сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан ташқари давлат бошқарувида фаол иштирок этиш имконици беради. Кучли ҳокимият халқнинг сиёсий кайфияти ва ижтимоий аҳволидаги барча ҳолатларга ўз муносабатини билдиради, жамиятда мутаносиблик ва барқарорлик бўлишини таъминлашга, ижтимоий зиддиятларни куч ишлатиш ва бостириш билан эмас, балки ижтимоий мурса келишув асосида бартараф этиш йўлларици излайди.

Бобнинг, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши жараёнида бошқарув ва ҳокимият институтларини шакллантиришининг ўзига хослиги, муаммолари ва истикболи, деб номланган учинчи бандида, Республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши ҳуқумат баҳамжихатлигида давлатни бошқариш конституциявий-ҳуқуқий асосга эгаллиги жамоатчилик фикридан маҳкам ўрин олганлиги илмий ифодасини топган. Ушбу жараёнлар ўтиш даврида Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт андозасига, конституциявий стратегик мақсадларига, тадрижий ислоҳий сиёсатиға мос келувчи давлат бошқаруви ва ҳокимият институтлари билан боғлиқ муаммоларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш билан боғлиқлиги диссертацияда Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида ўзининг тугал ҳамда аниқ ифодасини топганлиги илмий-амалий умумлаштириб берилган. Аини пайтда, миллий давлатчилигимиз бошқаруви ва ҳокимият институтлари шаклланиши ўзбек моделининг беш тамойили, хусусан, «**Давлат – бош ислоҳотчи**» ғояси негизида амалга оширилган жараёнлари, қонуниятлари ҳаётийлиги тадқиқ этилади, назарий асосланади, **давлат бошқаруви институтлари вазифавий вазифаларини куйидаги тизими белгилаб беради. Биринчи,** давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлайди. **Иккинчи,** асосий қонунда қўзда тутилган мақсадларга эришишда ва конституциявий вазифаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. **Учинчи,** демократик барқарорликни таъминлайди. **Тўртинчи,** фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашда асосий масъулиятни ўз зиммасига олади ва ҳ.к.

Давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш сиёсати давлат бошқаруви ҳамда ҳокимият институтларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш қандай шароит, талаб ва сиёсий тартибларда амалга оширилаётганини тадқиқотда белгилаб берилган. Шу нуктаи назардан тадқиқотда асосий эътибор давлат бошқарувида Президентлик ва ҳокимлик институтлари шакллариға

қаратилди. Муаллиф давлат бошқарувида Президентлик ва ҳокимлик институтлари шаклланиши, тақомили билан боғлиқ назарий-амалий таҳлил ҳамда тадқиқларини давлат сиёсий тизими босқич ва жараёнлари, ҳар бир босқичнинг ўзига хос ташкилий институционал таркиби, тақомиллашуви уларнинг вазифавий вазифалари, муҳими конституциявий-ҳуқуқий мақомлари асосларини айнан ана шу омиллар негизда илмий умумлаштиради, янгидан тузилаётган давлат бошқаруви тузулмаларининг мавжуд эҳтиёжлар тизимига мослашиши жамоатчилик онгидаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий эркинлаштиришлар асосида тақомиллашиб бориши жараёнларини очиқ беради.

Ўзбекистонда Президентлик институтининг шаклланиши, биринчидан, давлат бошқаруви органларини демократик қайта ўзгартиришлар талабларга мос равишда миллий манфаатлардан келиб чиқиб тизимлаштиришга; **иккинчидан,** сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишда халқ оммасининг иштирокини кенгайтириш, шунингдек, демократияга зид тартибсизликларга йўл қўймаслик; **учинчидан,** давлат ҳокимиятининг тармоқларга бўлинишини таъминлаш ва уларнинг ҳарбирини алоҳида мустақамлаш, ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйишдан иборат.

Давлат бошқаруви органларини ислоҳ қилиш борасидаги асосий муаммо бошқарувнинг моҳияти, тамойиллари, шакл ва услубларини тубдан ўзгартириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ вазифа бошқарув органларини институтлаштириш бири-бири билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларнинг шаклланишида, уларга мос давлат ҳокимияти ташкилот ва муассасаларининг шаклланишида намоён бўлди. Давлат хизматчилари борасидаги концепция қайта кўриб чиқилди, бошқарув тамойилларини сиёсат ва мафқурадан ҳоли қилиш тадбирлари амалга оширилди. Ижроия ҳокимияти институтлари тизими ихчамлашди, вазифавий вазифа ва мақомлари конституциявий, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий асосларда янада аниқроқ белгилаб беришди.

Диссертациянинг, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуриш мақсадидаги ислохотлар жараёнида давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакллари ва услублари, деб номланган иккинчи боби, айнан ана шу муаммоларнинг илмий-амалий умумлаштириш тадқиқига бағишланган.

Бобнинг биринчи бандида, давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш шароитида давлат ҳокимияти органлари вазифаларининг умумий таснифи, ҳуқуқий расмийлаштирилиши, тадқиқ этилган. Жумладан, давлат мустакиллигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ, назарий-амалий вазифалар ижроси таҳлил этилган: давлат бошқарувини ташкил этишининг методологик асосларини ишлаб чиқиш; давлат бошқаруви вазифаларидан баъзиларини давлат тасарруфидан чиқариш ва нодавлат ташкилотларига, жамоат бирлашмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – ихтиёрига ўтказиш; бошқарувда аҳолининг бевосита амалий иштирокини таъминлаш; давлат бошқарувининг юқори органларига тегишли кўпгина амалий вазифаларни қуйи органлар ихтиёрига топшириш орқали аппарат ва унинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини тартибга солиш; турли тузилмавий бўлинмалар вазифавий фаолиятидаги такрорийликка, мувозийликка чек қўйиш, улар фаолиятининг марказлашувини бартараф қилиш, мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш; ортиқча бўлинлардан воз кечиш ҳамда вазифалари жиҳатидан бир-бирига яқинларини бирлаштириш орқали бошқарув органларини вазифавий ва тузилмавий қайта қуришни амалга ошириш ва ҳ.к.

Диссертацияда эътибор давлат бошқаруви органларининг давлат вазифаларини ҳаётий реал амалга ошириш, давлатнинг ўзининг вазифаларини ҳал этиш, жамият фаровонлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунарида кўзда тутилган қатъият ҳамда қоидалар асосида фуқаролар манфаатларини қондириш билан боғлиқ вазифаларга, ижро этувчи ҳокимиятнинг умумий ваколатли ва махсус ваколатли органлари фаолиятига қаратилган. Шу жиҳатдан жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Конституциянинг 98-моддаси ва «**Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»¹ ги қонун (1993 йил 6 июл)дан келиб чиқувчи вазифавий мақоми, давлат бошқарув органларининг ижро этиш, фармойиш бериш характерига эга вазифалари батафсил таҳлил этилади, амалга оширилган қуйидаги **вазифалар таснифи берилди: ҳокимиятнинг тақсимланиши амалиётга киритиш; бозор муносабатларини шакллантириш, ижтимоий интеграция ва**

¹ **Қараг:** Ўзбекистоннинг янги қонунари. -Т.: Алолат, 1993. 6-чқ. 245-6.

ижтимоий-сиёсий барқарорлик: хусусийлаштириш, турли мулк шакллари­нинг ривожланиши; аҳолининг давлат бошқаруви жараёнига фаол жалб этилиши; давлат бошқаруви тизими олдида ўз фаолиятини юксак илмий-техникавий асосларда иқтисод ҳамда демократиянинг ҳозирги замон ютуқларига мос тартибга келтириш ва ҳ.к.

Тадқиқотчи ўз хулосаларида И.А.Каримовнинг «Биз давлат қудратига ҳокимият ва бошқарув идораларининг сони ва миқёсига қараб эмас, аксинча, уларнинг иш тизими қанчалик самара бераётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланишига қараб баҳо беришимиз лозим»¹, деган кўрсатмасига асосланган.

Давлат бошқарув тизими эркинлаштириш усули пимага асосланиши масаласи илмий-назарий ва Ўзбекистон мисолида амалий ифодаси, шубҳасиз, мазкур банднинг ўзига хос ғояси ҳисобланади. Эътибор, аввало, мазкур масаланинг конституциявий-ҳуқуқий негизлари ва улар таҳлиliga қаратилади, давлат бошқаруви тизимидаги институционал ўзгаришларнинг мезони сифатида кўрилатган асосий масала кўпинча бошқарув ашарати фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммолари билан, аниқроғи, ислоҳ қилинаётган тузилмалар фаолияти учун қулай шароит яратиш масалалари билангина боғлиқ эмаслиги, балки, жумладан, давлат ашаратининг тизимли вази­фавий бошқарув органлари раҳбарларининг касбий ваколатчилиги, ҳам бевосита даҳдорлиги таъкидланади, ашарат тизимининг мақсади, унинг ижтимоий-сиёсий вази­фаларини бажарувчи, уни олдиндан белгиловчи фаолият тури эканлиги назарий асослаб берилади. Шу йўналишда, тадқиқотчи Республикада давлат бошқаруви ашарати вази­фаларининг яхлит тизимини беради. *Биринчи*, давлат бошқарувининг тизимий вази­фаси. *Иккинчи*, ислоҳотчилик фаолияти – *ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш; бошқарув таркибининг такомиллаштириш; хусусийлаштириш. Учинчи*, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш – *мулкчиликнинг барча шакллари асосида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида; ташки иқтисодий фаолият соҳасида; таркибий қурилиш соҳасида; миллий валюта ва молия соҳасида. Тўртинчи*,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истқболининг асосий тамойиллари.-Т.:Ўзбекистон, 1995. 17-6.

ижтимоий-маданий сиёсатни амалга ошириш – фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳамда меҳнат ҳуқуқини таъминлаш; соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш; фан ва техникани ривожлантириш; халқ таълими ва маданиятни ривожлантириш. Бешинчи, ташки сиёсат ва миллий манфаатларни таъминлаш – дипломатияда: харбий фаолият; экология; давлат хавфсизлиги.

Бобнинг, давлат бошқарув аппарати вазифаларининг ривожланиш йўналишлари, муаммо ва ечимлари, деб номланган иккинчи бандида, ислохотларнинг навбатдаги босқичида давлат бошқарувини такомиллаштириш вазифалари негизда уни ташкилий-техник жиҳатдан чуқур ўзгартириш, тадқиқ этиш яъни бошқарув тизимининг янги моделларини ишлаб чиқиш, бошқарув меҳнатини илмий ташкил қилишни тадбиқ этиш, замонавий автоматлаштирилган тизимлардан, шунингдек, техник воситалардан кенг фойдаланиш зарурати тадқиқ этилади.

Маълумки, ҳар қандай бошқарув ўз фаолиятини меҳнатни ташкил қилишнинг илмий услубларига таянган ҳолда тадқиқот вазифаларини амалга оширишдан бошлайди. Айни шу сабаб диссертацияда билиш жараёнининг муҳим шаклларида бўлиши тадқиқот, жумладан, давлат бошқаруви аппарати томонидан ҳам амалга оширилиши, билан боғлиқ назарий-амалий муаммолар, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари амалга ошираётган тадбирлар аҳоли томонидан қай даражада қабул қилинаётганлиги, қандай муаммолар долзарб бўлиб турганлигини уларни ҳал қилиш йўллариининг қай бири энг маъқул эканлиги, фуқаролар нималарга тайёр ва нималарга тайёр эмасликларини билиб бориш имкониятини берувчи тажрибага асосланган типга мансуб жамоатчилик фикри, социологик тадқиқотлар, фуқароларнинг давлат органларига ёзган хатлари, бошқа мурожаатларини ўрганиш, давлат аппарати ходимларининг аҳоли ва меҳнат жамоалари билан учрашувлар ўтказиш ва бошқа шакл-усуллар такомиллиги асосида аниқланиши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари мисолида илмий-амалий умумлаштирилди.

Бошқарувнинг янги шакл ва усулларини излаш, нафақат, бошқарув аппаратининг самарали фаолияти талабларига жавоб бериши, балки танланган бошқарув шаклининг хизмат қилиши лозим бўлган муҳитга ва бошқарув соҳасига мос келиши ҳам зарурлиги

таъкидланади. Тадқиқотчи ушбу йўналишида эътиборни Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви аппарати тизимлари ва уларнинг вазифавий вазифалари билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларнинг энг мақбул ечимларига қаратади. Айни пайтда, тажриба сифатида бошқарув ҳамда бошқарув объекти ва субъекти ўзаро муносабатларининг бўлак шакллари ҳам синаб кўрилган объект сифатида таҳлил қилинади. Ахборот хизмати кўрсатишнинг аниқ тизими, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, вазиятни баҳолаш усуллари ҳамда натижалари, ташкилотчилик, раҳбарликни амалга ошириш, вазифасини танкил этувчи шакл ва кўринишлар (**йўриқнома, кўрсатмалар, тавсияномалар; истиқболли ва усулий дастурлаштириш; фармойишлар, қарорлар, бошқаруви тартибга солиш масалалари**) тизимли таъкиқ этилади. Бу муаллифга давлат бошқарув аппарати фаолиятининг мазмуни ва мақсадини, мезони ҳамда моҳиятини, қолаверса, намоён бўлиш шаклларини чуқурроқ англаб етишга, бу борала вазифаларнинг бошқарув фаолиятини ташкил этишга методологик жиҳатдан муҳим қирра сифатидаги ролини баҳолаш имконини беради. Давлат бошқаруви аппаратининг таҳлил этилган тезкор вазифаларида ижро ҳокимияти моҳияти намоён бўлади, унинг давлат тизимида ва республикаимиз ижтимоий муносабатларида тутган ўрни ҳамда роли аниқланади.

Бобнинг, давлат бошқаруви шакл ва усуллари тақомилнинг ҳуқуқий асослари ҳамда истиқболлари, деб номланган учинчи бандида, давлат бошқарувининг вазифалари амалиётда бошқарув фаолиятининг усул, шакллари орқали амалга оширилиши таъкидланган ҳолда давлат бошқаруви усули давлат бошқарувининг тегишли органлари олдида турган ижро ва фармойиш борасидаги вазифаларни амалий жиҳатдан бажариш эканлиги қайл этилади. Давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишда бошқарувнинг шакл ва усулларини ривожлантириш масалалари, янги давр талабларига асосланган давлат бошқарувининг мақсад, восита ва йўллари ўртасидаги муштарақликни янада чуқурлаштириш имкониятларини аниқлаш зарурати муҳим аҳамият касб этиши назарий асосланади, кузатиш, назорат қилиш; маъмурий-иқтисодий тартибга солиш: умумий раҳбарлик ва бевосита бошқарув; рағбатлантириш ва мажбур қилиш қоби бошқарувнинг асосий усуллари, улардан давлат бошқаруви субъектлари томонидан барча бошқарув объектлари билан бўладиган муносабатларда

фойдаланиш таҳлили берилди.

Диссертациянинг давлат бошқарув аппарати сиёсатида келиб чиқувчи муаммоларга эътибори ва уларнинг таҳлилий умумлашмаси натижасида, давлат бошқаруви тармоқларининг аксариятига хос умумий вазифалардан бошлаб, бошқарув объектининг алоҳида кўринишларига дахлдор аниқ вазифаларгача ўзгариб бориши, нафақат, улар мазмунига, балки уларни амалга оширишнинг шакли ва усулларига, қолаверса, уларни бажариш самарадорлиги ва даражасига ўз таъсирини ўтказиши қонунияти очиқ берилди. Бошқарув соҳасининг бошқарув тизимида тугган ўрндан келиб чиққан ҳолда, у ҳуқуқий ёки ҳуқуқсиз, баъзан муштарак ўзвийликда қўшилган бўлиши мумкинлигини эътироф этилиб, мақсад, вазифа ва воситалар аниқ бўлган, шунингдек, бошқарув органи ва бўлинмалари ҳаракати нақадар аниқ ташкилий-ҳуқуқий доираларга киритилганлиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этганлиги маълум бўлган шароитдагина фаолиятининг аниқ шакллари тўлалигича намоён бўлиши таъкидланади. Ва бошқарув фаолияти шаклига давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этиш ҳамда фармойиш бериш жараёнида амалга ошириладиган аниқ ҳаракатларнинг амалий намоён бўлиши, яъни аниқ бошқарув фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ифодаланиши, деган қараш илгари сурилган ҳолда, қонунчилик ва ҳуқуқийликнинг ижтимоий бошқарувнинг бошқа шаклларига нисбатан устуңлиги эътироф қилинган шароитда бошқарув шакли ҳуқуқий фаолият кўринишига ўтиши лозим, деган фикр ўртага ташланади. Тадқиқотда ушбу йўналишдаги ҳолатлар тизимида ҳуқуқий шакл қонунлар билан тартибга солиниши, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни қўллашнинг юридик воситаларини аниқ белгилаши таъкидланади. Бошқарув фаолиятининг ҳуқуқсиз шакли измида ташкилий вазифаларгича қолиши, улар юридик шаклга эга ҳаракатларни амалга ошириш учун тегишли шароитлар яратиши, яъни ижро ва фармойиш бериш фаолиятининг ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш шакли эканлиги бошқарув меъёри ҳуқуқий ҳужжати давлат бошқаруви вазифаларини амалий жиҳатдан рўйбга чиқариш воситаси сифатида намоён бўлиши, унда давлат фаолиятининг тегишли субъектига мос бўлган бошқарув усуллари ўз аксини топиши бошқарув субъектининг иродасини ифодаловчи бошқарув меъёрий ҳуқуқий ҳужжатида ифодаланган бошқарув қарори эканлиги таъкидланади.

Диссертацияда давлат бошқаруви идораларининг ҳуқуқий хусусиятлари тизими, унинг ҳуқуқий ҳолати, расмий ҳужжатлари ҳаракат доираси, ҳал қилинадиган бошқарув масалаларининг кўлами ва миқдори, уларнинг ҳуқуқий кучи каби таркибларининг давлат бошқаруви тизимининг, айниқса, олий ва юқори давлат бошқаруви институтлари ҳуқуқий ҳолатининг бош ҳуқуқий асоси бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таҳлили берилди. Айни пайтда, Конституциядан ташқари қатор қонунларнинг давлат бошқаруви муносабатларини тегишли соҳалар ва муайян аниқ масалалар бўйича тартибга солиб туриши қонунийги, моҳиятдан икки турли қонунлар тизими илмий умумлаштирилади.

Тадқиқотла меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифи берилди, таъсир кўлами нуқтаи назардан умумий, тармоқ ва тармоқлараро аҳамиятга молик қирралари кўрсатилади, давлат бошқаруви органларининг меъёрий ҳужжатлар чиқариш ваколатлари уларнинг ваколатлари билан белгиланиши аниқ мисоллар негизида илмий-амалий асослаб берилди. Бошқарув идораларининг шаклан хилма-хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари (фармонлар, фармойишлар, қарорлар, буюруқлар, низомлар, қоидалар ва б.) ҳамда улар ижролари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси давлат органлари турли бўғин, тизимлари мақоми, фаолияти доираси, кўлами мисолларида яхлит муштаракликда тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув ашарагининг шаклланиш ва тараққиёт йўналишлари, муаммолари ва келажаги, деб номланган учинчи боби, айнан ана шу муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечими тадқиқига бағишланган.

Бобнинг биринчи бандида, давлат бошқаруви ташкилий тузилмаларининг ҳолати, ислоҳ қилиниши, ривожланиши, такомиллашуви ва тараққиёти, таҳлили умумлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви аппарати тузилмалари қирралари ўртасидаги муносабатлар тик ва кўндаланг шаклларда мавжуд. Кўндаланг алоқалар – бу битта даражадаги муносабатлар бўлиб, ўз характерига кўра, мувофиқлашувчандир. Кўп поғонали тузилмалар эса бошқарувнинг юқори, ўрта ва қуйи бўғинлари бўлишини назарда тутди. Айнан шундай тузилмалар давлатнинг ижро ҳокимияти органлари – вазирликлар, давлат кўмиталари, турли идоралар ва ташкилотларга хосдир. Бундай

бошқарув поғоналарининг ҳар бири тегишли максалларга асосланили ҳамда унга эришиш йўлида таркиб топади.

Диссертацияда бошқарув аппарати ташкилий тузилмаси йўналиши ривожланиши куйидагича кўрсатиб берилган: бўлинмалар сонини (ҳажмини) қисқартириш ва уларни малакали ходимлар билан тўлдириш; бошқарув поғоналари сонини камайтириш; меҳнатни гуруҳий ташкил этиш; бошқарув объектни эҳтиёжларига йўналтириш; ўзгаришларга қайишувчанлик ва тезкорлик билан ёндашиш; назорат остида бўлиш; бошқарув амалиётига бозор муносабатлари қирраларини киритиш орқали хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш.

Шунингдек, бошқарув органлари, уларнинг бўлинмалари аппарати ҳар бир мансабдор ходимининг фаолиятига баҳо бериш, унинг мезонлари рўйхатини аниқлаш, иш натижаларини сон жиҳатдан таҳлил қилиш имконини бериши диссертацияда турли бошқарув аппарати фаолиятлари мисолида талқик этилади ва тегишли илмий амалий хулосалар қилинади.

Бошқарувнинг истиқболли, базавий вазифаларининг марказлашуви, айрим вазифаларнинг ўзини ўзи бошқарув органларига ва жамоатчилик ташкилотларига расмий ўтказилиши умумий вазифаларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни ташкилий таъминловчи тизимга айланиб бораётгани, айти вақтда, бошқарув органларини замонавийлаштириш борасида қилинган амалий ишлар вазифаларни тақсимлаш, бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўналишида самара бераётганлиги Олий Мажлис, Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар аппаратларини ихчамлаштириш, бошқарувнинг вазифавий тизимига ўтиш билан боғлиқ ташкилий-амалий чораталбирлар, шунингдек, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш сиёсати талаблари мисолида тадқиқотда таҳлилий умумлаштирилади.

Бобнинг, давлат бошқаруви маҳаллий органлари, умумий ваколатли, тармоқ органларининг ўзаро муносабатлари ҳолати ва келажати, деб номланган иккинчи бандида, эркинлаштириш билан боғлиқ туб ислохотларнинг ҳозирги босқичида бошқарув органларининг ўзаро муносабат ва таъсирлари, иктисодий ва ижтимоий-маданий қурилиш ишларига марказий ҳамда маҳаллий тармоқ бошқарувини энг мақбул мувофиқлаштириб бориш, қолаверса,

бир поғонадаги. бир кўндаланг йўналишдаги умумваколатли. вазифавий ва тармоқ органларининг фаолият доираси муаммолари галқик этилади.

Давлат корхоналари ва маиший хизмат шохобчаларини давлат тасарруфидан чиқариш, юқори технологик иншлаб чиқаришни талбиқ этиш, мулкчиликнинг янги шакллари ва қўшма корхоналарни ривожлантириш. бошқарув борасида асосланган ва мутаносиб қарорларни тезкор қабул қилиш зарурати ҳамда қарорларнинг ҳуқуқий таъсир кўрсатишининг кеш (ёки «бош») соҳаси умумий ваколат доирасидаги органларнинг вазифавий ва тармоқ органлари билан ўзаро алоқалари характери таҳлил этилган. Бунинг асосида эса ижтимоий турмуш шароити ўзгариши давомида уларни тезкор равишда такомиллаштириб бориш мақсади ётади. Ижроня ҳокимиятнинг вазифавий тизимга ўтиши, бошқарув усулларини такомиллаштиришнинг узок даврга мўлжалланган дастурини белгилади. Дастурнинг асосини тартибга солиб туришнинг иқтисодий усулларини жорий қилиш; бошқарувда маъмурий буйрукбозликни тўлик чеклаш; куйи хўжалик субъектлари мустақиллигини - уларни давлат тасарруфидан чиқариш даражасигача бўлган мустақиллигини таъминлаш ва уларни хусусий шахсларга ёки ҳиссадорлаштириш орқали жамоа мулкчилигига ўтказиш кабилар ташкил этади. Ушбу гадбирлар худудий, вазифавий ва тармоқ бошқаруви органларининг ўзаро бўйсунуши, алоқалари тартибини бирмунча ўзгартирди, умумваколатли органлар билан алоҳида тармоқ органлари ўргасидаги нисбатга янгича мазмун бахш этди.

Ушбу ўзгаришларни давлат мулкини бошқариш, яъни марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мисолида (жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни)¹ батафсил кўриб чиқилади.

